

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil

13-iyun

SHANBA

№ 48 (13909)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

ILFOR TEXNOLOGIYALAR – MŪL ҲОСИЛ ГАРОВИ

Қишлоқ хўжалигида ҳосил тақдири фақатгина ерга қадалган уруғ билан эмас, балки унга қўланилаётган технология, аниқ ҳисоб-китоб ва деҳқон меҳнати билан ҳам белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги



Бугун соҳада замонавий ёндашувларни кенг жорий этиш, сув ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, илфор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш устувор вазибалардан бирига айланган. Ана шундай изчил ишлар самараси Ўрта Чирчиқ тумани далаларида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

2

Hamkorlik

Tibbiyot sohasida tajriba almashinuvi

Viloyat Sog'liqni saqlash boshqarmasida Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligi bilan hamkorlikda epidemiologik xavfsizlik masalalariga bag'ishlangan seminar-trening tashkil etildi.

Tadbir doirasida viloyat Sog'liqni saqlash boshqarmasi boshlig'i To'raqul Arziqulov rahbarligida yig'ilish o'tkazildi. Unda Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining bosh gospital epidemiologi Tatyana Gololobova, dezinfeksiya vositalarini qo'llash bo'yicha ekspert Tatyana Yakovleva, shuningdek, viloyat Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi boshqarmasi hamda shahar va tuman tibbiyot birlashmalari mas'ul xodimlari ishtirok etishdi.



Seminar davomida tibbiyot muassasalarida epidemiologik xavfsizlikni ta'minlash, shifoxona ichi infeksiyalarining oldini olish, tibbiy jihozlarni zamonaviy usullar asosida zararsizlantirish, dezinfeksiya vositalaridan samarali foydalanish hamda tibbiyot xodimlarining kasbiy malakasini oshirishga doir masalalar muhokama qilindi. Yakunda tomonlar o'rtasida hamkorlikni yanada kengaytirish, ilg'or tajribalar almashinuvi yo'lga qo'yish va kadrlar salohiyatini oshirish bo'yicha o'zaro kelishuvlarga erishildi.

Viloyat bo'ylab

TOSHKENT viloyatida "Shijoat va g'ayrat" musobaqasining viloyat bosqichi bo'lib o'tdi. Unda 22 ta tuman va shahardan jamlangan 220 nafar yosh 6 ta yo'nalish: jismoniy tayyorgarlik, chaqqonlik, merganlik va harbiy-amaliy ko'nikmalar bo'yicha bellashishdi. Yakuniy natijalarga ko'ra, Angren shahri jamoasi birinchi, Chirchiq shahri jamoasi ikkinchi, Piskent tumani jamoasi esa uchinchi o'rinni egalladi.

Ijtimoiy himoya milliy agentligi viloyat boshqarmasi vakillari ishtirokida OLMALIQ shahridagi mahallalarda faoliyat yuritayotgan ijtimoiy xodimlar bilan ochiq muloqot tashkil etildi. Muloqotda aholiga ko'rsatilayotgan ijtimoiy xizmatlar samaradorligini oshirish, ehtiyojmand oilalarni qo'llab-quvvatlash, ularning bandligini ta'minlash hamda xizmatlar sifatini yaxshilash masalalari muhokama qilindi. Jarayonda shahar "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazi tomonidan amalga oshirilgan ishlar taqdimot qilindi, erishilgan natijalar va kelgusi rejalari haqida ma'lumot berildi.

YANGIYO'L shahar hokimi o'rinbosarlari, mahalla yetilgisi a'zolari, Ichki ishlar bo'limi xodimlari hamda tegishli tashkilot va idoralar mas'ullari ishtirokida profilaktik uchrashuv o'tkazildi. Suhbat davomida hududlarda ijtimoiy profilaktikani samarali tashkil etish, "mahallabay" ishlash tizimi orqali jinoyatchilikni jilovlash, huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish hamda aholi bilan manzilli ishlash masalalari muhokama qilindi. Yakunda mahallalarda tinchlik-osoyishtalikni mustahkamlash, fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirish va xavfsiz muhitni ta'minlash bo'yicha tegishli vazifalar belgilab olindi.

OHANGARON tumanidagi bir guruh yoshlar "Xotira muzeyi"ga ekskursiya qilib, xalqimiz tarixi va ajdodlarimiz merosi bilan yaqindan tanishishdi. Ekskursiya davomida yoshlarga ajdodlarimizning og'ir va mashaqqatli hayot yo'li, yurt ozodligi va mustaqilligi uchun olib borgan kurashlari, shuningdek, xalqimizning boy tarixiy merosi, milliy qadriyatlarini va ma'naviy boyliklari xususida qiziqarli ma'lumotlar berildi.

PARKENT tumani hokimi Elmurod Po'latov tuman yoshlari bilan ochiq muloqot o'tkazdi. Uchrashuvda yoshlar o'zlarini qiziqitirgan savollarni berishdi, mavjud muammolar hamda takliflarini bildirishdi. Ko'tarilgan masalalar bo'yicha mutasaddilardan atroflicha javob olishdi. Ayrim murojaatlarni hal etish bo'yicha mas'ullarga tegishli topshiriqlar yuklatildi. Shu kuni yoshlarning bandligini ta'minlash va ularni doimiy daromad manbaiga ega bo'lishlariga ko'maklashish maqsadida mehnat yarmarkasi ham tashkil etildi.

Завқли таътил, бир йилга татир



Ўз – 2026

Ўзги таътил болалар учун янги куч ва илҳом тўплаш, қалбида кувонч уйғотадиган машғулотлар билан шуғулланиш давридир. Таътилнинг мароқли ва мазмунли ўтиши эса ўқувчиларнинг янги ўқув йилига жисмонан соғлом, маънан тетик ва билим олишга тайёр ҳолда боришида муҳим ўрин тутди.

(Давоми 4-саҳифада)



Istiqbolli loyiha muhokama qilindi

Zangiota tumani hokimi Erkin Rustamov Xitoy Xalq Respublikasining yirik investori, ST Wonderful (Hong Kong) Co., Ltd. kompaniyasi rahbari Fan Syaotszyun boshchiligidagi delegatsiya bilan uchrashdi.

Muloqot davomida tumanning investitsiyaviy salohiyatini yanada oshirish, yangi ish o'rinlari yaratish va zamonaviy savdo infrazuzilmasini rivojlantirish masalalari muhokama qilindi. Uchrashuvda qiymati 11,5 million AQSH dollariga teng zamonaviy savdo kompleksi loyihasini Zangiota tumanida amalga oshirish istiqbollari ko'rib chiqildi. Tomonlar loyiha doirasida tadbirkorlik va xizmat ko'rsatish sohalarini kengaytirish, aholi uchun qulay sharoitlar yaratish, hudud-

ning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish hamda yangi ish o'rinlari tashkil etish masalalariga alohida e'tibor qaratlildi. Shuningdek, investitsiya loyihasini bosqichma-bosqich amalga oshirish, tashkiliy va texnik masalalarni hamkorlikda hal etish yuzasidan fikr almashildi. Mazkur loyiha tumanning iqtisodiy salohiyatini yuksaltirish, zamonaviy infrazuzilmani rivojlantirish va aholi farovonligini oshirishga xizmat qilishi kutilmoqda. Toshkent viloyati hokimligi Axborot xizmati

Эллик йиллик САДОҚАТ ЭЪТИРОФИ



2

АХБОР ОТА КУТГАН КҮН...



3

ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пахтачилик ва галлачиликда ҳосилдорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда "Йўл хари-таси" ишлаб чиқилиб, ишлар шу асосда олиб борилмоқда.

Жорий йилда тумандаги 139 та фермер ва қишлоқ хўжали-ги ташкилотлари томонидан 5 минг гектар майдонга пахта экилди. Мавсум якунида ўртача 52 центнер ҳосилдорликка эри-шиш ва 26 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси этиштириш ре-жалаштирилган.

— Жараёнларда экин майдон-ларида замонавий агротехноло-гияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди ту-ман ҳокими ўринбосари Нурид-дин Бозоров. — Хусусан, хорижий навлардан самарали фойдала-ниб, айрим майдонларда чигит плёнка остига экилди. Қолавер-са, 625 гектар майдонда юқори самарадорликка эга "Шинжон" усулида томчилатиб суғориш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



технологияси қўлланилди. Бу-гунги кунда экинларнинг асосий қисми униб чиққан, қатор орала-рига ишлов берилмоқда. Агро-техник тадбирларнинг сифатли ташкил этилиши, ўғитлар билан

таъминлаш ва парвариш ишла-рини ўз вақтида амалга ошириш орқали мўл ҳосилга замин яра-тилмоқда.

Қайд этиш жоизки, "Шинжон" усулида экилган майдонларнинг

ривожланиш жараёни хитойлик қишлоқ хўжалиги мутахассис-лари томонидан ҳам ўрганилиб, масъулларга амалий тавсиялар берилди.

Аббосжон ЭРГАШЕВ

▼ Мутахассис минбари

Бугунги кунда мамлакатимизда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифага айланди. Электр энергияси ва табиий газга бўлган талабнинг йилдан-йилга ор-тиши, тарифларнинг босқичма-босқич ўзгариб бориши шароитида ҳар бир корхона ва ташкилот учун энергия тежамкорлиги масаласи дол-зарб аҳамият касб этмоқда.

ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Шу нуқтаи назардан энергия аудити ишлаб чиқариш харажатларини камай-тириш, ресурслардан оқилона фойдала-ниш ва рақобатбардорликни ошириш-нинг муҳим воситасига айланмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлаши-ча, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши, sanoat кор-хоналари сонининг кўпайиши ва қури-лиш ҳажмларининг кенгайиши энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

Тахлилларга кўра, 2035 йилга бориб мамлакатда энергияга бўлган талаб ҳо-зирига кўрсаткичларга нисбатан қарийб 1,7 баробарга ўсиши мумкин. Бундай шароитда янги қувватларни ишга туши-риш билан бир қаторда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳам устуворлик касб этиши табиий.

Энергия аудитининг аҳамиятини оши-раётган омилилардан яна бири — тариф сиёсатидаги ўзгаришлардир. Электр энергияси ва газ нархларини шаклланти-ришда замонавий ёндашувларнинг жорий этилиши корхоналарни энергия сарфини чуқур таҳлил қилишга ундамоқда.

Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, кўп-лаб ишлаб чиқариш объектларида яширин йўқотишлар ва самарасиз истеъмол ҳо-латлари мавжуд бўлиб, энергия аудити ана шу муаммоларни аниқлаш ва бартара-ф этиш имконини беради.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам энергия самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Давлат энергетика реестрига киритилган йирик истеъмол-чилар белгиланган муддатларда мажбу-рий энергия аудитидан ўтишлари шарт. Бу талабнинг жорий этилиши энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, йўқотишларни қисқартириш ва корхоналарнинг масъулиятини оши-ришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда биноларнинг энер-гия самарадорлигини баҳолаш бўйича рақамли тизимлар ҳам жорий қилин-моқда. Унга кўра, объектларга энергия самарадорлиги даражаси бўйича тои-фалар берилиб, электрон энергия пас-портлари шакллантирилмоқда. Бу эса энергия сарфини назорат қилиш ва кел-гусида модернизация ишларини режа-лаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлат томонидан энергия тежам-

корлик чора-тадбирларини қўллаб-қув-ватлаш бўйича ҳам қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, энергия аудити натижалари асосида ёқилги-энергетика ресурсларини камида 10 фоиз тежаш имкони аниқланган тақдирда, аудит хара-жатларининг маълум қисми давлат томонидан қўллаб берилди. Бу эса кор-хоналарни энергия самарадорлигига ин-вестиция киритишга рағбатлантирмоқда.

Энергия аудити жараёни оддий ҳи-соб-китоб билан чекланмайди. Унда замонавий ўлчов ускуналари ёрдамида иссиқлик йўқотишлари, электр жиҳозла-рининг иш самарадорлиги, вентиляция ва сув таъминоти тизимларининг ҳолати ўрганилади. Тахлиллар асосида энер-гия сарфини қисқартиришга қаратилган аниқ техник ва ташкилий чора-тадбир-лар ишлаб чиқилади.

Масалан, Тошкент шаҳрида олиб борилган ишлар бў борадаги имконият-ларни яққол намоён этмоқда. Хусусан, 2025 йил давомида шаҳар ҳудудидаги 65 та корхона ва ташкилотда мажбурий, 17 тасида эса ихтиёрий энергия аудит-лари ўтказилди. Натижада 526 та таш-килий-техник чора-тадбир ишлаб чиқи-либ, йилга 25,5 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 33,6 миллион куб метр табиий газни тежаш имконияти яратилди. Шу билан бирга, аудит талаб-ларини ўз вақтида бажармаган корхона ва ташкилотларга нисбатан маъмурий ҳамда молиявий чоралар кўрилди.

Жорий йилда эса Тошкент шаҳрида жойлашган 69 та корхона ва ташкилотда мажбурий энергия аудитларини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 15 тасида текширувлар тўлиқ якунланган.

Хулоса қилиб айтганда, энергия аудити бугунги кунда корхоналарнинг молиявий барқарорлиги, маълумот тан-нархини пайсатириш, энергия хавфсиз-лигини таъминлаш ва экологик масъу-лиятини оширишга хизмат қилувчи муҳим бошқарув механизмига айланмоқда.

Энергиядан оқилона фойдаланиш эса нафақат иқтисодий самара, балки мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шартидир.

Улуғбек САФАРОВ,
"Ўзэнергоинспекция" Тошкент шаҳар
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ҲАР ТОМЧИ СУВ ҲИСОБЛИ

▼ Назорат

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда оқова сув тизимларидан тўғри фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Айниқса, соҳада қонунчилик талабларига қатъий риоя этилиши жамоат саломатлиги ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тизимда назорат ишларини тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил май ойида Тош-кент вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариш ҳамда тозалаш бў-лими томонидан мазкур йўналишда кенг қамровли назорат ва ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Санитария-эпи-демологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмол-чиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш мақсадида 270 та таҳлил наму-налари олинди. Шу билан бирга, қатор туманларда ўтказилган текширувлар давомида фуқаро-лар хонадонларида сув таъми-ноти ва оқова сув тизимларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолат-



лари аниқланди. Натижада сув таъминоти ташкилотлари фой-дасига қўшимча тўловлар ҳисоб-ланди.

Бундан ташқари, бюджет ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ер ости ичимлик суви қудуқларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилиб, қатор камчиликлар қайд этил-ди. Аниқланган қоидабузарлик-лар бўйича маъмурий чоралар кўрилди, камчиликларни бартара-ф этиш юзасидан мажбурий кўрсатмалар берилди. Шунинг-

дек, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида ижтимоий тармоқлар ва маҳал-ларда тарғибот ишлари ҳам олиб борилди.

Айтиш жоизки, соҳада олиб борилаётган назорат ишлари қоидабузарликларни аниқлаш билан бирга уларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилмоқда. Тизимли ўрганишлар, қатъий назорат ва тарғибот тадбирла-ри ходимларнинг масъулиятини ошириш, аҳолига сифатли хиз-мат кўрсатиш ҳамда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминламоқда. Бу эса, ўз нав-батаида, аҳоли саломатлиги ва ҳудуддаги экологик барқарор-ликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дўстмурод ХОЛМУРДОВ,
ҳудудий инспекция бошлиғи
ўринбосари

▼ "Тошкент ҳақиқати" йўқлови

Инсон ҳаёти баъзан дарёдек сокин оқмайди. Унинг йўлида довуллар, тўфонлар ҳам учрайди. Аммо ана шундай синовлар қаршисида синмаган, орзуларидан кечмаган, меҳнат ва сабр билан ўз тақдирини ёритиб яшаган инсонлар борки, уларнинг ҳаёти ўзига хос ибрат мактабига айланади.



Турсуной Исмияминованин ҳаёт йўли ҳам осон кечмаган. Бу йўлда фарзанд доғи ҳам, айрилиқ, орзуларнинг кечикиши ҳам бор. Аммо унинг ҳаётида меҳр, матонат, санъатга муҳаббат ва инсонни юк-салтирувчи умид нурлари ҳам мав-жуд.

Балки шунинг учундир, болали-гидаёқ тақдирнинг оғир синовларини энгиб ўтган қизалоқ кейинчалик юзлаб шогирдлар, кўплаб мухлис-лар меҳрини қозонган санъат фи-дойисига айланди.

Инсоннинг исми тақдирини бел-гилайди, деганларича бор. Олма-лик шаҳар маданият бўлимининг "Навбахор" фольклор-этнографик халқ жамоаси раҳбари Турсуной Исмияминовага ота-онаси бежизга бу исмини қўйишмаган. Кетма-кет уч нафар фарзанди нобуд бўлгач, тўртинчи зуриёдларига Турсуной исмини бердилар. Аммо кўнгилла-

ри тубида ички кўркўв зоҳир эди: кимдир жой алмаштириш мақбуллигини айтиди. Шундан ёш она — Бувиниса атак-чечак қил-ган қизалогини Чинозга, онаси Иззатой аяниқига олиб борди.

Мурғак Турсунойнинг болалиги Чинознинг Олмазоридега кечди.

— Аслида ота-онам Наманган-нинг Олмосидан бўлишган, — дея ҳикоя қилади Турсуной опа. — Улар тақдир тақозоси билан Ян-гийўлда келиб қолишган. Мен ҳам Янгийўлда туғилганман. Кечаги-дек эсимда, бувим ва бобомни эр-катой эдим. Сўнгра бирин-кетин укаларим ва сингилларим дунёга келиб, ота-онам олти фарзандли бўлишди. Онам оддий уй бека-си, отам колхозда ишларди. Мен бувимникида улғайганим учун укаларимдан ажралиб турардим, бунини кўпчилик фарқлайди. Бах-тим шуки, бувимдан жуда кўп нар-саларни ўргандим, унинг ажойиб хислати бор эди: маҳалладаги ёш болаларни халқ таъбабатидан фойдаланиб даволарди. Усмон буваам юрт устида юрган қайвони, деҳқончилик билан бирга киш-

лоқда моҳир ошпаз номи билан танилган, тўй-маъракаларга бош-қош эди.

Турсунойнинг санъатга меҳри аслида дадаси Абдусаттор акадан ўтган. У дадасининг доира чалиб, укаларини оёққа тургазгани, уй-ли-жойли қилганини таъсирланиб ҳикоя қилиб берди.

Турсуной опа Янгийўлдаги На-воий номли 4-мактабда ўқиди. Юқори синфдалигида мактабдаги тадбирларда унинг истеъдоди ярқ этиб кўзга ташланади. Ширали овози, жозибали рақсларини кўр-ган ўқитувчилари: "Бизнинг Тама-рахонимиз!" дея фахрланишарди.

Бора-бора Турсуной ўз иқтидо-ри билан пойтахтдаги санъаткор-лар назарига ҳам тушади. Дадаси уни пойтахтдаги радио биносига олиб боради ва у Тамарахонимнинг шогирдларидан бирига айланади. Саҳнада юриш-туриш маданияти-ни эса Ботир Зокировдан ўрганади. Ўқишга кирганида эса тақдир уни Ўзбекистон халқ ҳофиси Очилхон Отахоновга рўпара қилди.

Ана шундай устозлар ўғити-ни олган Турсуной 1976 йилда

Республика миқёсида ўтказилган макомчилар танловига олий ўрин-га созвор бўлди ҳамда Театр ва рассомчилик институтига имтихон-сиз қабул қилинди.

Аммо кўп ўтмай, уни Олмалик шаҳрига турмушга беришарди. Ой-лалли бўлгач, ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Гарчи бекалик бах-ти нашидасини сурса-да, қалби-нинг бир четида кемтиклик бор эди. Дугоналарининг саҳналарда, теле-экран ва радиоларда чиқишларни кўриб пинҳона йиғлар, сеvimли машғулотини давом эттирмолагани учун эзиларди. Шундай пайтларда турмуш ўртоғи: "Албатта ўқийсан, фарзандларимиз улғайсин!" дея кўнглини кўтарар эди. У ўз сўзи-да турди. 1996 йили Турсуной опа тўртинчи фарзандини дунёга кел-тириб, чачалоғи билан Маданият институтига ҳужжат топширди. Бу сафар ҳам ижодий имтиҳонларни муваффақиятли топширгани учун ўқишга имтиёзга қабул қилинди. Ижодий имтиҳонда устозлардан бири уни таниб қолади.

— Сиз янгийўллик эмасмидин-гиз? — дея сўраганида Турсуной

опанинг истеъдод ёлқини қайтадан алангаланди.

Иккинчи курсни сиртдан битир-ганида катта қизи Шаҳноза ҳам Маданият институтининг талабаси бўлди. Она-бола бир йўналишни танлашган, иккаласи ҳам режис-сёр. Турсуной опа ўқишни битириб, Олмалик шаҳар маданият бўлими-да иш бошлаб, 26 йил мобайнида бўлимини бошқарди. Бор меҳрини, кучини маданият соҳаси ривожига бағишлади. Нафақага чиққач, қизи Шаҳноза онасининг ишини давом эттирмоқда.

Турсуной опа Олмаликқа келин бўлиб тушганига роппа-роса ярим аср бўлди.

— Шунча синовли йилларда ёнимда ҳамisha турмуш ўртоғим қалқон бўлдилар, — дейди у. — Мен бахтли аёл, бахтли онаман. Орзу-ларим ушалоғига, ўғил-қизларимнинг яхши инсонлар бўлиб эти-шишларида уларнинг ўрни катта. Фарзандларим ўқиб, касб-корли бў-либ, эл-юрт хизматига бел боғлаш-ди. Катта қизим Шаҳноза маданият ходими, Дилноза хушовоз хонанда, айни пайтда Ички ишлар вазирли-

ги қошидаги ансамблда ишлаяпти, ўғлим Ибодулло киноактёр, наби-раларим ҳам санъатга меҳр бериб улғайишмоқда. Санъат соҳасидан йироқ бўлишларига қарамай, тур-муш ўртоғим ҳам биз билан ҳам-фикрлар. Барчамиз бир дастурхон атрофида йиғилсак, дунё ишларин-дан эмас, биринчи навбатда санъ-атдан сўз очамиз.

Турсуной опа орзулари амалга ошмаган вақтда ҳам тушунлиққа тушмади, умид қилишдан чекинма-ди. "Тўғри, ўзим катта саҳналарга чиқолмадим. Аммо Шаҳноза бў-либ рақсга тушаман, Дилноза бў-либ куйлайман, Ибодулло бўлиб фильмларда суратга тушялман. Издошларим борлигидан бахтиёр-ман", дейди у.

Турсуной Исмияминованин кўп йиллик меҳнатлари қадрини топди. Яқинда мамлакатимиз Президенти-нинг фармони билан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. "Бу кун-ларни эллик йил кутибман. Бу касбга садоқат, сабрга берилган муқофот! Шукрлар бўлсин!" — дейди опа мам-нуният билан.

Дарҳақиқат, Турсуной опанин ҳаётига назар ташлар эканмиз, унинг тақдирдаги ҳар бир синов вақти келиб бир ютуққа айлан-ганини кўрашим. У катта саҳналарни орзу қилди, аммо тақдир уни халқ маданиятининг жонкуярига айлан-тирди. Унинг орзулари фақат ўз қалбиде эмас, фарзандлари ва на-биралари истеъдодида ҳам давом этмоқда.

Энг муҳими, Турсуной Исмия-минова умид қилишдан тўхтама-ди. Қанча тўсиқлар учрамасин, меҳнатдан, садоқатдан ва эзулик-дан воз кечмайди. Зеро, бугун унинг кўксини беэзаб турган "Дўстлик" ордени ярим асрлик фидокорона меҳнат, сабр ва матонатнинг муно-сиб этиройидир.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ

АХБОР ОТА КУТГАН КУН...



Футболимиз тарихидан

Бу учрашув бундан ўн йил аввал – 2016 йилнинг 19 февраль куни бўлган эди. Ўша куни барча спорт журналистларининг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Республика тоифасидаги ҳакам, "Олтин қалам" Миллий мукофоти соҳиби, Халқ таълими аълочиси Ахбор Имомхўжаев 85 ёшни қарши олдилар. Шу куни биз ҳам устоз хонадонидида меҳмон бўлган эдик... Қуйидаги ёзганларимиз улардан эшитиб қоғозга туширганларимиз...

ИЛК ҚАДАМЛАР

1954-56 йилларда Тошкент вилояти Педагогика билим юртида ўқиганман. У ерни битириб, ўқитувчилик фаолиятини бошлаганман. Меҳнат дафтарчамдаги илк ёзувлар шундай эди: "Мирзачўл туманидаги Василевский номидаги 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси". Бу ерда бир йил ишлагач, "Пахтакор" жамоасига таклиф қилинган. Мактабни тарк этмасдан соатбай тизимида ишлаганман. Кейинроқ Оҳангарон туманига юборилган. Мен ишлаган қишлоқда бор-йўғи 12 та оила яшар, фарзандларининг таълим олишлари учун алоҳида мактаб қурилганди. Битта каттароқ хонада бирданга 4 та синф ўқирди. 1- ва 3-синфга ёзув дарс бўлса, 2- ва 4-синфга бошқа дарс ўтиларди. Менинг омадим келган. Сабаби жисмоний тарбия дарсини тоғ ён бағрида, лозазорларда, табиат кўйида – тоза ҳавода ўтардим. Май ойи охиригача шу ерда ишладим.

Тошкентга қайтиб Жисмоний тарбия институтига ҳужжатларимни топширмоқчи бўлдим. Аммо ўқишга кириш учун исталган спортдан учинчи разрядга эга бўлиш керак эди. Менда учинчи разряд бор эди, аммо мuddати ўтиб кетган экан. Шу боис бир йил давомида Тошкентда ишлаб, кейинги йил шу разряд билан ўқишга киришим мумкин эди. Бу борада пойтахтдаги Самарқанд дарвоза мавзесида 13-мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Бу мактаб ҳозир ҳам бор. Қизиги, қайси синфда ўқитувчи келмай қолса мен уларга жисмоний тарбия дарсини ўтардим. 1959 йилда институтга ўқишга кириб, 1963 йилда футбол бўлимини қизил диплом билан битирдим. Геннадий Красницкий, Владимир Штерн, Ҳамид Раҳматуллаев ва Мақсуд Шариловлар билан бирга ўқишни битирганмиз.

ШАРҲЛОВЧИЛИККА ШАРҲ БЕРИБ...

Шарҳловчиликка кириб келишим қизиқарли бўлган. 1956 йилда "Пахтакор" стадиони ва клуби ташкил этилган, шарҳловчилар учун танлов эълон қилинди. 26 нафар ёш йигитлар келиб, ўзини синая кўришди. Ана шу танловда Роман Турлишев рус тили, мен эса ўзбек тили бўйича голиб бўлганмиз. 1956 йилда "Пахтакор" Ереваннинг "Спартак" клубига

қарши ўйинида дебют қилганман, яъни илк маротаба шарҳловчилик фаолиятим бошланган. Бу ўйин ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Радиода 15 дақиқадан русча, ўзбекча шарҳга чиққанмиз. Ўйин танаффусида ёши катта бир киши кириб, менга: "Футболни яхши тушунар экансиз. Овозингиз ҳам яхши экан. Фақат фамилияларни айтишда шошманг", деб маслаҳат берган.

Альберт Азарян Турлишевга устозлик қилган. Менга эса Ўзбекистонда дикторлик мактаби асосчиларидан бири бўлган Турғуной Собирова соҳа сирларини ўргатган. Опанинг Зафар исми ўғли бор эди. Шунга ҳавас қилиб мен ҳам кичик ўғлимга Зафар деб исм қўйганман.

1960 йилда "Пахтакор" Собиқ Иттифоқ олий лигасига чиқди. Ўша йили 20 апрель куни "Пахтакор" – ЦСКА Москва учрашуви телевидение орқали намойиш этилган. Бу "Пахтакор"нинг телевидениега чиққан биринчи ўйини эди. Футбол шарҳини "Диққат қилинг, Тошкентдаги "Пахтакор" стадионидан гапирамиз!" – деб бошлаганмиз... Учрашувда "Пахтакор" 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган. Учала голни ҳам Геннадий Красницкий урган. Халққа байрамона кайфият бағишланган ўша кунни ҳеч қачон унутмайман...

Турлишев билан бирга Москва, Санкт-Петербург, Минск, Киев, Боку, Тбилиси, Ереван ва Олма-ота шаҳарларига бориб "Пахтакор" иштирокидаги ўйинларни шарҳлаш насиб қилган. Энг ёдда қолган учрашувлардан бири "Динамо"га қарши баҳс бўлган. Киев клуби ўша пайда Собиқ Иттифоқ ва Европа чемпиони эди, "Пахтакор" мана шу жамоани 5:0 (!) ҳисобида таслим қилган. Михаил Ан ва Тўлаған Исоқов иккитадан гол уришган, яна бир голга Василис Хадзипанасис муаллифлик қилган. Стадионда қандай байрам бўлиб кетганини тасвирлаб бера олмаيمان...

"35 ДАҚИҚА ЎЙНАШГА ҲАМ ТАЙЁРМИЗ!"

Ҳакамлик қилган ўйинларимнинг энг ёдда қолгани бу Собиқ Иттифоқ фахрийлари терма жамоасининг "Пахтакор"га қарши ўртоқлик учрашуви бўлган. Қанотларда менга Шоқир Исмоилов ва Анатолий Беляков ёрдам беришган. Учрашувдан олдин меҳмонлар сардори, Олимпиада чемпиони Алексей Парамонов ёнимга



келиб, "Кун иссиқ, таркибимизда фахрийлар жуда кўп, 45 эмас, 40 дақиқа ўйнасақ бўладими?" деганди. Кейинроқ Эдуард Стрельцов ҳам шу фикрни айтди. "Пахтакор" сардори Тўлаған Исоқов эса бунга жавобан "Агар Стрельцов сўраган бўлса 35 дақиқа ўйнашга ҳам тайёرمىз", деганди (қулади). 40 дақиқадан кечган баҳс 1:1 ҳисобида дўстона дуранг билан тугаган.

"Пахтакор" футбол клубида, Ўзбекистон футбол Федерациясида, "Ўзбекистон физкультура-чиси" газетасида (кейинчалик "Спорт" номи билан чиққан), Ўзбекистон Жисмоний тарбия спорт кўмитасида ўқувчи-ёшлар бўлимига раҳбарлик қилдим, шарҳловчилик бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Республика тоифасидаги ҳакам, журналистика бўйича "Олтин қалам" Миллий мукофоти, Қувноқ стартлар бўйича Халқ таълими аълочиси унвонларига эга бўлдим.

1958 йилда Фаридохон билан бахт тўйимиз бўлган. 50 йилдан ортиқ турмуш курдик. Турмуш ўртоғим 40 йилдан зиёд мактабда бошлангич синфларга дарс берган. 15 неварамиз ҳам аввал Фаридохоннинг кўл остида таълим олиб, маълум даражада билимга эга бўлган, кейин мактабга чиқилган. Ўғилларим Аббор ва Зафар Имомхўжаевлар, набирам Диёр футбол журналистикаси бўйича кетишди. Улар билан фахрланаман!

иккита эканини маълум қилишди. Минг афсуслар бўлсинки, Лобач бошқа, мен бошқа самолётга чиқдик...

"АССАЛОМ, ОЛИМПИАДА!"

Сеул Олимпиадасидан сўнг уйга қайтган, китоб ёзиш иштиёқи пайдо бўлди. Китобни "Ассалом, Олимпиада!" дея номлаб ҳам қўйдим. Бироқ турли баҳоналар билан китобим нашр қилинмай қолиб кетди. Бу менга катта зарба бўлди. "Шарқ" нашриёти бош муҳаррири Ахбор Аҳмедов бир куни мендан нега китоб чиқармаётганини сўраб қолди. Ўтган воқеани айтиб бердим. "Сиз китоб ёзинг, мен чиқариб бераман" деди. Унга фақат Олимпиада эмас, ҳаёт йўли ҳам қиёда ёзиш ниятим борлигини айтдим. Шундан сўнг "Футбол – қувончим, дардим, фахрим" деб номланган илк китобим нашр этилди. Ундан кейин "Мафтунингман, футбол!" ва "Ўзбегимнинг Миржалол!" деган китобларим чиқди. Булардан ташқари турли ўқув қўлланмалар ҳам нашр этилган.

"ТОНГ"ДА ТОПГАН ДЎСТЛАРИМ

1980 йилда Маҳмуд Абдураимов, Тўлқин Қозоқбоев, Шавкат Тўлағанов ва Баҳодир Иброҳимов ташаббуси билан ҳаваскорлар жамоаси тузилди ва "Тонг" деб номланди. Сабаби жамоа ўз ўйинларини эрта тонгда ўтказарди. Бу жамоа сафида машҳур футболчилардан Баҳодир Иброҳимов, Станислав Стадник қабилар тўп тегишган. Ўтган йил ўша ташиқлотчилардан бири бўлган Шавкат Тўлағанов китоб ёзди. Номи – "Тонг"да топган дўстларим". Барчага тарқатдик, Шавкатнинг энг яхши ишларидан бири бу – ўтиб кетган дўстларимизнинг ҳам уйла-

ТАҲРИРИЯТДАН:

Тақдирнинг ишини қарангки, Ахбор ота юрак-юрагидан чиққан бу тилакни 2016 йилда айтган эди. Орадан йиллар ўтди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ниҳоят Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Миллионлаб мухлислар қувонган, юрт бўйлаб байрам бўладиган кунлар келди. Аммо афсуски, бу кунни бутун умрини ўзбек футболга бағишлаган, унинг ютуғи ва ташвиши билан яшаган Ахбор Имомхўжаев кўра олмади. Бугун мундиалга чиққан миллий терма жамоамизни қўтлар эканмиз, ўзбек футболининг фидойи фарзанди, миллионлар севган шарҳловчи ва ҳақиқий мухлис Ахбор отанинг ёрқин хотираси олдида таъзим қиламиз. Зеро, бу зафарда унинг ҳам орзуси, дуоси ва меҳри муҳассам...

рига китобни олиб бориб бергани бўлди.

Ҳафтанинг жуфт кунлари тонгда ЎФФ (ҳозирги ЎФА) майдонида ўйин ўтказамиз. Ҳозирда бу жамоа сафида Биродар Абдураимов, Омон Тоймуродов, Фарҳод Тоймуродов, Комилжон Синдоров, Темури Крюк, Абдуғаффор Ортиқов, Алишер Мадраҳимов, Қозим Қайюмов каби машҳурлар тўп тегишади. Мен асосан ҳакамлик қилиман, лекин ёшларга бўш келиш йўқ, имкон бўлди дегунча ўзим ҳам тўп тепаман (қулади). "Тонг" ҳали узоқ мuddат фаолият олиб боришига ишончим комил.

ТИЛАГИМ

Ўзбекистон мухлислари – энг бахтли мухлислар! Охириги 2-3 йил ичида 10 га яқин янги стадионлар қуриб битказилди. Мамлакатимизда қўллаб-қўлланган футбол академиялари, футбол интернатлари ишга тушди. Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар жамоалари Жаҳон чемпионатларида қатнашиб, кучли 8 жамоа орасига кириши катта натижа. Масалан, Россия, Украина ва бошқа давлат жамоалари ҳатто ўша мундиалга чиқа олишмаяпти.

Мухлисларимизга омад тилайман! Юртимиз иқтидорларга бой. Менинг энг катта орзуми – Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати йўлланма олса-ю, ўша мундиалга кетаётган делегация таркибига Ахбор Имомхўжаев ҳам бўлса...

Гулшан САЪДУЛЛАЕВА ва Нарзулла САЪДУЛЛАЕВлар ёзиб олишди.

2016 йил февраль

▼ ЭЪЛОН

«TEZPUL ONLINE MIKROMOLIYA TASHKILOTI» МЧЖ

Жамиятнинг 2025 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	8 470,00	62 329,47	Устав капитали	2 010 000,00	2 010 000,00
2	Узоқ мuddатли инвестициялар	–	–	Қўшилган капитал	–	–
3	Капитал қўйилмалар	–	–	Резерв капитал	–	–
4	Товар-моддий захиралари	–	–	Тақсимланмаган фойда	–38 143,50	851 167,08
5	Дебиторлар	11 577,07	203 451,79	Мақсадли тушум ва фондлар	–	–
6	Пул маблағлари	1 707 208,76	320 599,25	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	–	–
7	Қисқа мuddатли инвестициялар	247 450,00	5 502 474,32	Узоқ мuddатли мажбуриятлар	–	2 469 527,43
8	Жорий активлар	–	–	Жорий мажбуриятлар	2 849,33	758 160,32
	Жами, активлар	1 974 705,83	6 088 854,83	Жами, пассив	1 974 705,83	6 088 854,83

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	2 222 258,39	–
Сотилган маҳсулотлар таннархи	–	–
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	–	–
Давр харажатлари, жами:	–	1 054 880,48
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	133 233,17	–
Валюта курслари фарқидан даромад	–	–
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами:	–	259 044,94
Фоишлар шаклидаги харажатлар	–	–
Валюта курслари фарқидан зарар	–	–
Даромад солиғи тўлаунга қадар фойда	1 041 566,14	–
Даромад (фойда) солиқ	–	152 255,56
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	–	–
Ҳисобот даврида корхона иктиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	889 310,58	–

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий-ҳужалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги АТ "DAXIN AUDIT EXPERTS GROUP" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Завқли таътил, бир йилга татир



Шу мақсадда ёзги таътил даврида вилоятимиз мактабларида ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларнинг қизиқиши ва иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, фойдали машғулотларга жалб этиш мақсадида мактабларда ёзги соғломлаштириш майдончалари фаолияти йўлга қўйилди. Майдончаларда ўқувчилар учун спорт машғулоти, ижодий тўғараклар ва тарбиявий тадбирлар ташкил этилмоқда. Аввало, мактабларда ота-оналар билан ўтказилган мулоқотлар давомида ўқувчиларнинг ёзги режалари шакллантирилди. Режага қўра, қўллаб ўқувчилар спорт мактаблари, маданият марказлари, "Баркамол авлод" болалар мактаблари ва бошқа қўшимча таълим муассасаларидаги тўғарак ва машғулотларга жалб этилмоқда. Шунингдек, айрим ўқувчилар таътил даврида оилавий ишларга ёрдам бериш, саёҳатга чиқиш ва

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



маданий масканларга ташриф буюриш орқали бўш вақтларини мазмунли ўтказишни мақсад қилишган.

Хусусан, Зангиота туманидаги 8, 14, 19, 22, 32, 33, 34 ва 42-мактабларда ҳам кундузги соғломлаштириш майдончалари фаолият бошлади. Ушбу масканларда жами 640 нафар болалар дам олиши ва фойдали машғулотлар билан шўғулланиши учун зарур шароитлар яратилган. Шунингдек, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 24 нафар фарзанди ҳам жалб қилинди. Уларга 48 нафар педа-

гог бириктирилди, болаларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш мақсадида малакали тиббиёт ҳамшираларидан иборат навбатчилик ташкил қилинди.

Туман ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда соғломлаштириш майдончаларига 350 та бадий, ижтимоий ва илмий-оммабоп китоблар етказиб берилди. Бундан ташқари, электрон шаклдаги адабиётлар, газета ва журналлардан фойдаланиш имкониятлари ҳам яратилди. Болалар кутубхонаси томонидан ўтказилаётган сайёр китобхонлик тадбирлари эса ўқувчиларнинг

мутолаага бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Туман мактаб-гача ва мактаб таълими бўлими томонидан таълим муассасаларига спорт жиҳозлари, санитария-гигиена воситалари, мусиқа асбоблари ҳамда китоблар етказиб берилди.

Тумандаги 32-мактабда очилган "Камалак" оромгоҳи ҳам болалар билан гавжум.

– Ҳафта кунлари мазмунли ва қизиқarli дастурлар асосида ташкил этилмоқда, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нодира Файзиева. – Театрлаштирилган томошалар, интеллектуал беллашувлар, китобхонлик тадбирлари, ҳарбий-ватанпарварлик учрашувлари, музей ва тарихий жойларга экскурсиялар, шунингдек, спорт мусобақалари ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириб, тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

– Болаларнинг қизиқишлари турлича, – дейди "Олдузча" гуруҳи раҳбари Мухаббат Махаматова. – Кимдир спортни танлапти, кимдир ижодий ёки фан тўғаракларига қатнашпти. Муҳими, болалар ўз фикрини эркин билдиришга, жамоада ишлашга ўрганаётгани аяқол сезилляпти. Бу уларнинг билими ва дунёқарашини бойитмоқда. Аслида мақсадимиз ҳам шу: ўқувчилар ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, янги ўқув йилига руҳан ва жисмонан тайёр бўлишларини истаймиз.

Маълумот учун: соғломлаштириш майдончалари июль ойига қадар давом этади. Олдинда болаларни янада қизиқarli машғулотлар кутмоқда.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

▼ Ҳисобот йиғилиши



УЧ ЙИЛЛИК САРҲИСОБ

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимининг 2022-2025 йиллардаги фаолиятига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги оммавий ахборот уюшмаси раиси вазифининг бажарувчиси Шухрат Орипов очиб берди. Дастлаб Тошкент вилояти бўлимининг уч йиллик фаолияти юзасидан бўлим раиси Раҳматилла Шералиевнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, бўлим фаолиятини самарали ташкил этиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фахрий журналистларни ҳамда фаолият олиб бораётган ижодкорларни иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида 2022-2025 йилларда вилоят ҳокимлиги томонидан 846,5 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилишига эришилди. Маблағлар журналист ва ёш ижодкорлар иштирокида ўтказилган семинар ва спорт мусобақалари, "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш, фахрийларни йўқлаш, уларнинг таваллуд кунларини нишонлаш ҳамда газеталарга обуна қилиш каби тадбирларга сарфланди.

– Шу муддатда улгурилмаган ишлар, хато ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас, – дейди уюшманинг вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев. – Вилоятдаги 9 та

"Маҳорат мактаблари" тўғараклари фаолиятининг изчиллигида суст-кашликка йўл қўйди, медиафорум ёки семинарларни ташкил этишда маълум бир ҳудуд доирасида чекланиб қолди. Албатта, буларни инкор этиб бўлмайди. Хуллас, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ўзимизники. Биргаликда ҳаракат қилсак бу муаммоларни бартараф эта оламиз.

Йиғилишда уюшманинг вилоят бўлими Тафтиш комиссияси раисининг молиявий ҳисоботи ҳам эшитилди.

Шунингдек, тадбирда сўз олганлар бўлимининг ўтган йиллардаги фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича тақлифлар беришди.

Шундан сўнг, бўлимининг бошқарув аъзолари таркиби, Тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг навбатдаги Конференциясига делегатлар сайланди.

Яқунда бўлимининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" тасдиқланиб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маълумот учун, бугунги кунда вилоятда жами 24 та босма нашр мавжуд бўлиб, уларнинг 2 таси вилоят, 22 таси туман ва шаҳар газеталарини ташкил этади. 1 та давлат телерадиоканали ва 1 та ННТ медиа маркази, 10 га яқин интернет нашрлар фаолият олиб бормоқда.

Ўз муҳбиримиз
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сурат

ЎХШАТМАЛАР ХАЗИНАСИ

- * Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади.
- * Минг йил ўқисам-у, мендан «нимани билдинг», деб сўрасалар, «хаддими билдим» дейман.
- * Одамлар суратини безатса, сен сийратингни бега. Одамлар бошқалар айбидан сўз очса, сен ўз қусурингни ўйла.

Жалолiddин РУМИЙ

Гулбозлик ОБРЎ КЕЛТИРАДИМИ?

"Халқлар дўстлиги" саройидаги бир концертдан кейин "Гул ва фуфайка" деган мақола ёзган эдим. Бунга сабаб фуфайка кийган бир йилит ашула айни авжига келганида бемалол, битта-битта қадим босиб саҳнага чиқди, кўлидаги сулни ҳофизга бериб, қулоғига бир нималарни шивирлади, кейин даст кўтариб, саҳнани бир айлантириб қўйди. Унинг бу номуносиб қилиги томошабинларнинг кайфиятини бузди.

Гоҳо кўнгли қўшиқ, қуй истаб қолади. Оила аъзолари, яқин дўст-ёрон билан ўзинг ёқтирган жойга бориб, мириқиб ҳордиқ чиқарганга не етсин. Бундай пайтда концерт залларидан бирида хушовоз хонанда янги дастурини куйлаётган бўлса-чи? Жоннинг роҳати. Остонадан ҳатламай туриб ўзингни роҳатга чоғлайсан. Томоша залига киришинг билан кайфиятинг кўтарилари – анвойи безаклар, бежирим ўриндиклар, чўғдек порлаб турган қандиллар, эшикдан гурас-гурас кириб келаётган томошабинларнинг майин табассумлари – буларнинг ҳаммаси сизни санъатнинг сөхрли олами сари етаклайди. Ҳали замон парда очилиб мусиқа бошланганида вужудингиз қўшиққа айланиб кетади. Саҳнада хушовоз хонандаю пастда бир ўзингиздай, борлиқни унутиб, қўшиқ тинглайсиз. Бундай пайтда сиз томоша залида эмас, қўшиқнинг ичида, қуй оғушида бўласиз. Ҳофизнинг ноласи саҳнадан тўппа-тўғри сиз томон ошиқайтган бўлади, уни фақат сиз, биргина ўзингиз тинглаётибсиз... Шунда...

▼ Шахсий фикр

Шунда бир нима туйқусдан тарақлаб кетади. Концертга кеч қолган тўртта ўсмир ёнида тўртта қирчангиси билан гулур-гулур қилиб у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади, баланд овозда бир-бирини чақиради. Асаби бўшроқ кимдир: "Ҳой, жим бўлсанлар-чи?", дейди. Бошқа биттаси: "Нима бу ер бозорми, нега бақирасиз?", деб унга танбех беради. Хизматчи аёл етиб келади. Кечга қолганларни жойига ўтказди. Аммо аввалги завқдан асар ҳам қолмайди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кейинги пайтларда нуфузли концерт залла-

рида ҳам бақир-чақир, хуштакбозлик, депсиниш оддий ҳол бўлиб қолди. Ҳозир нима кўп, енгил-елли ашула кўп. Уч-тўртта бўйдоқ "хай-хай", деб қўйса бўлди, ёқпти экан деб, "ҳофиз" бола ҳам айни шу жойига зеб беради. Ана ундан кейин атайлаб кийинтириб келинган раққоса қизалоқлар саҳнани забт этишади. Залнинг пастиди, йўлакларда кекса ҳаваскорлар лумбиллаб йўргалашади. Қийқириқ, қулги. Туйлардан фарқи шундаки, бу ерда ҳозирча ош-нон тортилмайди, қистир-қистир йўқ.

Энди гулга келайлик. Тўғриси айтсак, гул арзон-гаров матоҳ эмас. Яхши гулдастанинг пулига икки-уч кило гўшт олиш мумкин. Шундай экан, пулига қарамай гул сотиб олиб, севган ҳофизининг ёки ўзига маъқул раққосанинг хурматини жойига қўйса, бунинг нимаси ёмон?! Қани энди ҳаммиша ҳам шундай бўлса. Афсуски, санъаткорга гул тақдим этиш асабга қаттиқ тегадиган даражадаги шилқимликка айланиб кетди. "Гулчилар" қўшиқ тугамай туриб саҳнага дўпир-дўпир чиқиб кетаверишса, фонограмма оғиз



қимирлатиб турган ашулачини хи-жолатга қўйиб, қучоқлаб ўлаверса, бундан ёмони йўқ.

Кейинги пайтларда ҳофизлари-

миз ижодиди яна бир янги "қирра" намён бўла бошлади. Кимдандир савол тушади: "Оилангиз тўғрисида гапириб берсангиз?" Гапириб бери-

шади: "Энг аввало шуни айтишим кераки, уйланмаганман..."

Залда қийқириқ бошланади. Кейин уйланган ҳофизлар номма-ном саналади. Кимнинг хотини қиз, кимнинг хотини ўғил туққани, бунинг сабаблари эсланади. Базиди анча номдор ҳофизларимиз ҳам ўринсиз ваъхонлики бошлаб юбордилар. Концерт оқшомига мутлақо алоқаси бўлмаган шахсий гаплар айтилади.

Саҳна одоби – санъатдаги энг катта одоб. Санъаткор нафақат ширани овози, айни пайтда саҳнада ўзини тутта билиши билан ҳам санъаткор бўлиши керак. Афсуски, бундай фазилятлар кўпчилик ҳофизларимизда учрамайди.

Санъатнинг бешиги – самимийлик. Санъаткорни шу самимийликка катта йўлга олиб чиқади. Унинг бу улуг майдон ичра ном қозониши ёнги айри йўллар томон сурилиб кетиши гоҳо сизу бизга ҳам боғлиқ. Шундай эмасми?!

Аҳмадjon МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**

"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda" gazetalarini
tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abdusovit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To'xtamurod HASANBOYEV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Zikriilla MUHAMMAD

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'l'onlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 19:00. Nashr ko'rsatkichi – 205.

8 080 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-635.

Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.